



«Бобурнома»дан:

«Алишербек... ўгил ва киз ва ахлу аёли йўк, оламни тавре фард ва жарийда (якка ва ёлгизлик билан) ўткарди».

Алишер Навоийнинг нима учун уйланмаганлиги замон-дошлари учун сир бўлиб колгани каби, бизнинг кунларимизда ҳам ажиб бир ходиса бўлиб кўринади. Аммо бу ходиса — Навоийда бор бирор айб ва камчилик натижаси эмаслиги замондошлари учун аён эди.

«Бадоеъ ул-вакоеъ»дан (Восифий хикоя килади): «Алишер уйланмаган эди. Бунинг сабаблари замонанинг хамма кишиларини кизиктирар эди. Султон Хусайн мирзо Атишернинг уйланмаслигига сабаб унинг «этаги поклиги» ва нафсоний шахватга майли йўклиги, яъни ахлокий жихатдан жуда юксаклиги, илм-фан ва шеъриятга берилганлиги, деб хисоблар эди. Султоннинг севикли хотини Хадичабегим эса бунинг сабабларини бошқача деб тушунар эди. Хакикатни аниқлаш учун Хадичабегим ўзининг жуда ҳам гўзал канизакларидан Давлатбахтни Алишернинг уйига юборди. Давлатбахт турли бахоналар билан Алишернинг уйида тунаб колди. Тунда киз Алишернинг кўйнига кирди... Давлатбахт эрталаб Хадичабегим олдига жуда хурсанд кайтиб, бутун воқеани айтиб берди. Натижада Султон Хусайн мирзонинг фикри тасдиқ бўлди ва Хадичабегимнинг ҳам Алишерга хурмати аввалгидан юз мартаба ортди» (172—173). Мирзо Хайдарнинг «Тарихи Рашидий» асаридан: «Мир Алишернинг нозикликдан ва тез ранжишликдан бошқа ҳеч айби йўк эди» (121).

Навоийнинг уйланмаганлиги унинг севмаганига далолат эмас. Аксинча, Навоий ўзининг оташин ошик бўлганлигини сўзлайди. «Фарход ва Ширин» достонини нима учун ёзганини асослаб, Навоий бировни жуда каттик яхши кўрганини, шу севгиси туфайли севгилисининг таърифига тили лол (ожиз) эканлигини ва «Фарход ва Ширин» достони оркали ўз ахволдан хикоя килмокчи бўлганлигини айтади. «Фарход ва Ширин» достонидан:

«Фарход ва Ширин» ёзилганидан ўн беш йилча кейин Навоий яна ўз мухаббатини бир асарида ёдга олади: «Лисон ут-тайр» достонида афсонавий Шайх Санъоннинг (муслмон рухонийсининг) христиан кизига мухаббатини тасвир этиб келиб, Навоий ўзининг кимгадир мухаббати Шайхнинг мухаббатидан ҳам оташин эканини гапиради ва хикояни агар бир неча кун умрдин амон топса (саломат бўлса) ўз оташин ишки тарихи хақида достон ёзажagini ифодаловчи сатрлар билан тамомлайди.

«Лисон ут-тайр» дан:

«Шайхни андоки шайдо этти ишк,
Олам ахди ичра расво этти ишк.
Сўнгра мендек солмади гавгосини,
Кимса кўнгли мулкига ягмосини,
Холим андин кимса гар ортик демас,
Ортук эрмас бўлса хам, ўксук эмас.
Кел, Навоий, сўзни холо хатм кил,
Ишк аро изхори даъво килмагил.
Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шархи ишким назм этай бир достон.
Анда билгай кимгаким инсофдур-
Ким, сўзум чинму дурур ё лофдур» (11, 102).

Навоий бу достонни ёзишга улгурмай, вафот этган.

«Яна боис буким, ишки бало шўр,
Бир ўтдин айлаб эрди жонима зўр.
Тилим худ бор анинг таърифиди лол,
Килай хомам тилидин шархи ахвол.
Хазин жонимда бор эрди балойи,
Балолиг ишк ила хар ён хавойи.
Биров ишки солиб жонимга андух,
Машаккат тоши юклаб кўх то кўх.
Бўлуб зулми ўтидин хаста жоним,
Карориб дуди бирла хонумоним.
Биров йўк, кофири котил ниходи
Париваш дев зулми хур зоди...
Мени махзунни ишки барки рафтор
Ул офат ўтига айлаб гирифтор» (11, 14—15).

Навоийнинг сўзларига караганда, унинг маъшукаси (севгани) бепарво ва бевафо эди.
(Бу гаплар — шеърий муболигами ёки Навоий ўз севгилисининг хакикатан бевафолигини
гапираётирми, — аниклаш кийин.) Шоирнинг маъшукаси «вафосиз, табъсиз
(кобилиятсиз) ва ноахл (ярамас, ёт) кишиларни ёктиради, ammo вафодорлар унга
ёкмайди. Маъшукаси шоирни гам-гуссага колдириб, ўзи ётларнинг уйларида «шамъи
мажлис» (ўтиришларни безатувчи) бўлиб юради:

«Жунун кўнглумни дашти гамга солиб,
Не гам, хар лахза бир оламга солиб.
Не махзун хотиримга васли мумкин,
Не хажрида ўтум бир лахза сокин.
Бор эрди дард котил, ишк бебок,
Булардин тундрок маъшуки чолок
Вафосиз, табъсиз ноахл анга хуш,
Вафо ахли била биттабъ нохуш...
Нетай, минг зебу зийнат бирла товус
Ки, бўлгай хамнишини буми манхус...

Манга айлаб гаму меҳнатни мунис,

Ўзи хар уйда бўлгай шамъи мажлис» (11, 15—16).

Навоийнинг мухаббати хакида ўзбек ва туркман фольклорида анча асарлар бор. Уларда Навоийнинг севгилиси сифатида Гул деган киз тилга олинади. Бу асарларда буюк шоир таржимаи холининг баъзи фактлари, ўзгартилган холда, ўз аксини топган бўлса керак. Шундай асарлардан бирини келтирамиз:

«Амалёфтани Алишер» («Алишернинг амалдор бўлиши») асаридан (мазмуни):

«Чорвадор Алишер бозорга мол олиб келди ва молини насияга сотмокчи эканини эълон этди. Бозор ахли: «Биз молингизни олсак, карзимизни қачон тўлашимиз керак?» деб сўради. Алишер: «Карзингизни подшоҳ Хусайн Бойкаро ўлган куни тўлайсиз», деди.

Бозор ахли Алишер олиб келган от, мол ва кўйларни дарров насияга олиб кетишади:

Хусайн Бойкаро хали ёш, қачон ўлиши номаълум эди.

Бу гап Хусайн Бойкаро кулогига етди. Подшоҳ даргазаб бўлиб, чорвадорни дарров тутиб олиб келишни буюрди. Алишерни боғлаб, подшоҳ олдига олиб келдилар. Подшоҳ сўради:

«Эй, нодон ва ёмон ниятли киши, мен сенга нима ёмонлик килдимки, сен менинг ўлимимни тилайсан? Одамларга молингизни насияга сотиб, карзингни Хусайн Бойкаро ўлганда тўлайсан, дер эмишсан? Жавоб бер!» деди.

Алишер деди: «Эй, одил подшоҳ, мен сизнинг ўлимингизни тиламайман, балки, аксинча, умрингиз узок бўлишини истайман».

Хусайн Бойкаро сўради: «Нечук? Карзни мен ўлган куни ундирар эмишсан-ку?»

Алишер деди: «Подшоҳим! Мендан насияга мол олган хар бир киши энди хар куни беш махал намоз чогида: «Эй, худо, подшоҳ Хусайн Бойкарони ўлдирма, мен карзимни тўламай», деб тоат-ибодат килади. Зора шундай тоат-ибодат ижобат топиб, худо сизнинг умрингизга умр кўшса. Молимни насияга сотишдан ниятим шу».

Алишернинг бу гапи Хусайн Бойкарога ёкди ва у: «Сен аклли одам экансан, ёнимда кол, саройимда хизмат кил», деб Алишерни ўз маслахатгўйлари каторига олди.

Кунлар ўтган сари Алишер ўз доно маслахатлари билан подшоҳ саройида азиз бўла берди ва ахийри Хусайн Бойкаро уни вазирлик вазифасига тайин этди.

Кунлардан бир куни Алишер Хирот кўчаларида отлик ўтиб кетаётиб, томда кир ёяётган бир кизга кўзи тушди. Киз жуда гўзал эди. Алишер уни яхши кўриб колди. Кизнинг уйига совчи юборди. Киз ҳам Алишерни гойибдан яхши кўриб юрар экан. Исми Гул экан. Тўйга тайёргарлик бошланди.

Бир куни овдан кайтаётиб, Хусайн Бойкаронинг ҳам ўша томда юрган киз — Гулга кўзи тушди ва уни севиб колди. Совчи юборишга қарор бериб, совчиликни дўсти ва вазири Алишерга топширди. Алишер совчиликка борди ва ўз дўстлигига содик қолиб, Гулни подшоҳга тегишга кўндирди. Аммо Гул бир шарт кўйди: «Подшоҳ тўйдан кейин қирк кунгача менинг олдимга қирмай туриши керак», деди. Алишер бу шартга подшоҳни кўндиражагини айтди. Шунда Гул иккита кичик мактуб ёзиб, Алишердан бу мактубларни табибга олиб бориб беришни ва табиб берган нарсаларни олиб, кайтиб келишни илтимос қилди. Алишер табиб олдига борганида табиб мактубнинг бирини ўқиб, қулиб юборди ва иккин-чисини ўқиб, йиглади. Иккита дори берди. Алишер дориларни Гул олдига олиб келди. Гул дорининг бирини ўзига олиб колди ва иккинчисини Алишерга бериб: «Ичинг!» деди. Алишер ичди. Гул Алишерга подшоҳ олдига равона бўлишга ва тўй тайёргарлигини бошлашга рухсат берди.

Подшоҳ Гулнинг шартини қабул этди, катта тўй қилди, аммо келинчак олдига қирк кунгача қирмади. Бу орада Гул каттик касал бўлиб колди.

Тўйдан кирк кун ўтганда Гул Алишерни олдига чакирди. Гул ўлим тўшагида ётар эди. У Алишерга деди: «Икки дори эсингиздами? Унинг бирини мен сизга ичирган эдим, у дори сизни сира ҳам уйланмайдиган килиб кўядиган дори эди. Иккинчи дорини мен ўзим ичганман, у дори мени кирк кун ичида ўлдирадиган, секин таъсир киладиган захар эди. Мана, дори ўз таъсирини кўрсатди, мен касал бўлдим. Бугун ўламан.

Мухаббатимизга содик қолиш учун мен шундай килдим, Алишер! Энди подшоҳ менинг ёнимга кираберса ҳам бўлади».

Ўша куни Гули дунёдан ўтди. Алишер ва подшоҳ унинг тобутини икки ёқдан кўтариб бордилар. Икки ошиқ ва икки дўст қон-қон йиғлар эдилар.

Уларнинг бири сўрар эди:

«Сарвларнинг соясинда сўлди гул, нетмоқ керак?»

Иккинчиси жавоб берар эди:

«Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан этмоқ керак».

* * *

Навоийнинг оиласи йўқлиги унинг уйи «хувиллаб қол-ганлигини» кўрсатмайди. Аксинча, Навоийнинг уйи доимо қувноклик, шеърят ва маърифат макони эди.

Давлатшоҳ «Тазкира»сидан:

«У буюқ зотнинг интизомли мажлислари фазл ахлининг максоди эди. Унинг баланд остонаси — бева ва бечоралар борадиган жой эди. Ва унинг таомлар тўлдирилмиш дастур-хонлари саргардон ва сарсонлар учун доим тайёр ва унинг эхсонининг эшиги мухтожлар учун хар вақт очик эди. Ва у билан ўлтурувчилар яхши таътиқ ва фазилатли кишилардан ўзга эмас эди. Ва унинг хотирининг дўст ва улфатлари кўн-гулларни забт этувчилардан бошқа эмас эди. Ва халқнинг назарида зўр ва огир кўринган нарсалар унинг химмати олдида енгил ва андақ кўрунур эди, аммо ноахл кишилар унинг нафис мажлисига киролмас эдилар».

Зайниддин Махмуд Восифийнинг «Бадоеъ ул-вакоеъ» («Ажойиб воқеалар») китобидан:

«Алишер Навоийнинг энг ажойиб дўстларидан ва азиз суҳбатдошларидан бири бўлган Мавлоно Соҳиб Доро менга ота томондан жуда яқин қариндош эди. Бир куни мен отам билан унинг уйида меҳмонда ўтирганимда у отамга деди: «Кўпдан бери эшитаманки, сизнинг ўглингиз аъло толибул-илм (студент), шеърни яхши ўқувчи ва дуруст шеърлар ёзувчидир. Унинг муаммоларини ечиб беришдаги шухрати чексиздир». Шу сўзлардан кейин Мавлоно Соҳиб Доро бир муаммо айттирди. Мен уни андақ ўйлаб, ечиб бердим. Хамма хайрон қолди.

Биз ўз уйимизга қайтганимиздан сўнг, Мавлоно Соҳиб Дородан бир киши келиб: «Сизни менинг хошам чакирмоқдалар», деди. Мен Соҳиб Доро қошига келганимда, у деди: «Мен Алишер олдида бўлдим. Унинг одати бор: хар куни у мени ўз қошига чакиради ва: «Бу шаҳарда бугун сен қандай ажойиб ва гаройиб нарсаларни кўрдинг, гапир», дейди. Бу гал мен унга айтдим: «Мен ўн олти ёшли бир йигитни кўрдим, у энг қийин муаммоларни ҳам дарров ечиб беради. Бундан ташқари, у ўзининг илмий машгулотлари билан, шеър ўқиш ва шеър ёзишдаги хунари билан ҳам машхурдир». Алишер жуда хайрон қолди ва сўради:

«Сен уни синаб кўрдингми?» Мен жавоб бердим: «Ха, мен жуда чигал муаммони ўқидим ва у бу муаммони дарров ечиб берди». У хазрат олий ўпка билан менга деди: «Нега у йигитни бизнинг олдимизга олиб келмадинг?» Шунда мен сенинг тўғрингда Алишерга огиз очганимга афсус килдим, чунки биламанки, Алишер билан янги танишганда одамлар каллаларини йўқотиб кўядилар ва «Отинг нима?» деган саволга ҳам жавоб беролмай колган махаллари кўп бўлади. Сен борганинда бир киши муаммо ўқиб колса-ю, сен ечиб беролмасанг, мен уятга колсам, нима бўлади?.. Нима бўлса ҳам энди бўлди, тайёрланиб тур».

Эртасига эрталаб мен яна Соhib Доро олдига бордим. У ерда мендан ташкари яна уч толибул-илм ўтириб эди. Мавлоно айтди: «Сен вақтида келдинг. Мана бу икки киши хакида ҳам мен Алишерга гапирганман. Буларнинг бири — муаммода шухрати Мавлоно Амир Хусайн Нишопурийнинг шухратига тенгдир. Мана бу иккинчиси - касидалар ёзиш билан ном чиқарган... Учинчиси - маснавий ёзишда машхур».

Биз у азизлар мажлисига кириб бордик. Навоийнинг ҳамма надимлари (ўртоқлари) ва хамсухбатлари хозир эдилар. Бизга назари тушган у хазрат Соhib Дордан сўради: «Муаммони тез ечиб берадиган йигитинг шуми?» Мавлоно Соhib Доро деди: «Ха, шу йигит». Алишернинг дўсти ва ажойиб хазилкаши Мавлоно Мухаммад Бадахший деди: «Жаноб олий хазратлари, аччик сўзим учун кечирасиз, аммо хакикатни айтганда, сизнинг муаммоларни хал этиш борасидаги хунарингиз бу йигитнинг махорати олдида хеч нарса эмас» Алишер айтди: «Мен бунинг кўзларидан дарров пайкаб олдим, чунки бу кўзларда тафаккур аломатлари бор». Шундан кейин Алишер бир муаммони ўқиди. Мен унда яширилган сўзни топишим керак эди. Аммо маълум бўлдики, бу муаммода яширилган сўзни мен аввалдан биламан. Мен гумонсираб колдим: у яширилган сўзни билмаганликка солиб, мажлис ахлини алдайми ёки хакикатни айтиб берайми? Мен Алишерга дедим: «Таксир, бу муаммода яширилган сўз менга аввалдан маълумдир». У хазрат бошини куйи солди ва анчагача жим колди. Сўнгра у деди: «Дўстлар, бу йигитнинг сўзларида нима маъно борлигини пайкадингизми? У ўз кувватини намойиш килиб: «Бу муаммонгиз ўтмайди, бошқасини айтинг», деяпти... Шундан кейин Алишер бу мажлисда муаммо ўқимади, менга иззату хурмат кўрсатди ва Мавлоно Соhib Дорога деди: «Мен бу йигитга койилман» (143—144). «Макорим ул-ахлоқ»дан:

«Хазрати султоннинг дўсти, давлат эгаси олий хазрат (Навоий) баъзан ширин тилни мазах ва мутоибага (кизикчилик ва хазилкашликка) очарди ва муносиб ўринларда латифасимон сўзларни баён ипига тортарди. Бундай сўзлар олий хазратнинг нозик зехни ва муборак фикрининг юкори даражада ўткир эканлигига далолат килганлигидан улардан бир хилларини ёзишга журъат килинади:

Муסיкий фанида давринг ягонаси Мавлоно Алишоҳ бир куни давлати олий хазратга арз килиб: «Сизнинг олий илтифотингиздан ва мархаматингиздан умид шуки, вакф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига берсалар, токи мен хар ойда хизматчиларга бош огриги бўлиб юрмасам», деди. Олий хазрат жавоб бериб: «Мавлоно, — деди, — умрингиздан олти кун колганми, йўқми — бизга маълум эмас. Сиз нима учун амонат хаётга мунчалик кўнгил кўйиб, келажак олти ойлик маошни талаб киласиз?» Мавлавий жавоб берди: «Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинлар. Борди-ю, ўлиб колсам, гўр-кафанимга яраб кетар», деди. Олий хазрат: «Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало» деганлари сиз экансиз-да», деди.

«Бадоеъ ул-вакоеъ»дан:

«Бир куни Алишер Биноийни ўз уйига чакирган эди. Биноий эшик олдида пайдо бўлганида, Алишер гўё танимагандек унга каттик тикилди. Биноий якин келганидан кейин Алишер деди: «Ха, Биноиймисан? Узоқдан менга эшак келаётганга ўхшади». Биноий жавоб берди: «Таксир, менга ҳам узоқдан бу ерда одам ўтирганга ўхшаган эди...» Алишер Биноийни ўтиришга таклиф этди. У аёгини узатган эди, Биноийнинг оркасига тегди. Навоий деди: «Ажаб ишки, Хиротда аёгини узатсанг, албатта битта шоирнинг оркасига тегади». Биноий жавоб берди: «Таксир аёгингизни йигиштирсангиз ҳам албатта битта шоирнинг оркасига тегади».

«Мақорим ул-ахлоқ»дан:

«Бир кун соф кўнгилли Амир фасохат ва зарофат бобида замон шоирларининг пешкадами Хожа Осафийга насихат қилиб, айтди: «Мен сенга хайрон бўламанки, ўткир зехнинг ва баланд табъинг (истеъдодинг) бўлатуриб, шеър айтиш билан кам шугулланасан, ҳамма вақтингни фойдасиз ишларга сарф қиласан». Осафий: «Таксир, хозирги фурсатда борган сари кўпроқ шеър айтишга машгул бўлаётирман. Масалан, ўтган кеча икки пуллик шамъ ёниб битгунича икки юз байт ёздим», деди. Олий хазрат: «Демак, у тизмаларингнинг юз байти бир пул экан-да», деди».

«Бадоеъ ул-вақоеъ»дан:

«Султон Хусайн ҳамма рассомлар орасида устод Бехзодга кўп эътибор берар эди. Бехзодга «Иккинчи Моний» деган фахрли унвон берилган эди. Шохнинг кайфияти гам-гусса билан бузулганида, Бехзод доимо бирор нарсанинг ёки бирор одамнинг суратини солар, султон бу суратни кўрганида кўнгли очилар, гам-гуссадан халос бўлар эди. Бехзод доимо хар хил ажойиб суратларни олиб юрар, айникса жуда хурматли Бобо Махмуднинг хилма-хил суратларини чизишни ва намоёйиш этишни ёқтирар эди. Бобо Махмуд эса ажойиб сифатларни ўзида мужассамлантирар — у семиз, кўпол бўлиш билан бирга жуда чаккон ва гапга уста эди...

Бехзод бир куни Алишер мажлисига бир суратни келтирди: суратда — гулзор, хилма-хил дарахтлар; уларнинг шохларида сайраб турган ранго-ранг, гўзал кушлар; чор атрофда — шариллаб оқиб турган ариқлар, очилиб турган гуллар — дилдор бир манзара тасвирланган эди. Навоий ўзи эса бу суратда хассага суяниб турган холда тасвирланган, унинг олдидаги табаклар олтин ва кумуш сочик билан тўла эди. Алишер бу суратни кўриб қувонди ва тахсин ўқиди. Кейин у мехмонларига мурожаат қилиб сўради: «Бу ажиб суратга баҳо ва мактов борасида сизларнинг хаёлингизга нималар келаётир?»

Алишернинг устоди ва Хуросоннинг энг машхур кишиларидан бири Мавлоно Фасихиддин деди: «Бу очилган гулларни кўрганимда, кўлимни узатиб, улардан бирини узиб олиб, салламга такким келди». Алишернинг доимий суҳбатдоши ва надими Мавлоно Соҳиб Доро деди: «Менда ҳам шундай тилак тугилди, аммо мен, агар гулларга кўл узатсам, бу кушлар чўчиб, учиб кетмасмикинлар, деб кўркиб турибман». Алишернинг доимий хазилкаши, Хуросон латифагўйларининг пешкадами Мавлоно Бурхон айтди: «Мен ҳам суратга караб, жим ва кимирламай туришим лозимлигини тушундим, чунки Амир Алишер хазратлари газабга келиб, ковокларини солиб олмасинлар». Хуросоннинг зарифларидан (кизик сўз усталаридан бири), Алишер томонидан «латифатарош» деб ном олган Мавлоно Мухаммад Бадахший айтди: «О, Мавлоно Бурхон, агар одобсизлик бўлмаса эди, мен Алишернинг кўлидаги хассани олар эдим, шу сўзларинг учун бошингга бир солар эдим». Алишер хазратлари дедилар: «Азиз суҳбатдошлар, яхши сўзлар айтдингиз ва сўз дурдоналарини сочиндингиз. Миннатдорман. Агар Мавлоно Бурхон шудагаллик ва одобсизлигини қилмаса эди, мен шу табаклардаги олтин ва кумушларни сизларнинг

бошларингизга сочмокчи бўлиб туриб эдим». Мажлис аҳди завкланиб кулди. Шундан кейин Алишер Бехзодга эгар-жабдуклари билан бир от хадя килди, мажлис ахлининг хар бирига эса кимматбахо тўнлар кийгизди» (194-195).

«Макорим ул-ахлоқ»дан:

«Бир куни саховат майдонининг эгаси (Алишер) бурунги зариф кимсалардан ўзининг кизик кўриниши ва ажойиб сўзлари билан мумтоз ва мустасно бўлган Мавлоно Шахобиддин Мудаввинга, мархамат юзасидан, эгар-жабдукди бир от инъом килди. Бу илтифот муносабати билан Мавлоно ўзини Олий хазратнинг (Алишернинг) хос (энг якин) кишилари каторида ҳисоблаб хизмат ва мулозиматни ҳаддин ошириб юборди. Масалан, хар қачон отга миниб бирор жойга борилса у киши ҳам бориб, хизматда бўлар, қайтиб уйга келганда, уй эшигидан бир нафас нарига силжимас эди. Шу сабабли лутф ва қарам манбаи (Алишер) ундан жуда тангликка келди. Бироқ ўзининг олий хулқи у кишининг дилини огритишга ва очикдан-очик ўз мулозиматидан қайтаришга йўл қўймас эди. Шу сабабли хизматчилардан бири, Алишернинг буйруги билан, ўгрилик тарикасида Мудаввиннинг уйига йўлланди ва отини олиб, тезлик билан бозорга келтириб сотди. Мавлоно у одамни хакикатан ўгри хисоблаб, унинг орқасидан қидириб, икки тош йўлни пиёда босди. Отдан ҳеч асар топмагач, бу воқеадан хайрон бўлиб яна иззатденгизи Амирнинг (Навоийнинг) мулозиматига югурди ва ўзининг саргардонлик қайфиятигги арз килди. Олий хазрат: «Биз отингнинг баҳосини берамиз, шу шарт биланки, бундан сўнг от сакламайсан ва отга минган (сафарга отланган) чоғимизда бизга ҳам бош огриги бўлмайсан», дсди. У рози бўлди. Шу чоқда Амир маълум микқор ақчани Мавлонога берингиз, деб буюрди. Хийлақорлик қилган киши Мавлонога тўксон тўрт танга санаб берди. Мавлоно таажжубланиб: «Инъом қилинган ақча юз танга бўлиши керак, нима учун олти танга кам?» деди. Сухбатда ҳозир бўлганлардан бири: «Мавлоно, афсуски, отингизни шундан ортиққа олмадилар», деди» (64). «Мажолис ун-нафоис»дан: Навоий гувоҳлик беради: «Мавлоно Хасаншоҳ— Хуросон-нинг қадимий шуаросидиндур. Шохрух Мирзо замонидин бу фархунда давронгача (Султон Хусайннинг подшоҳлик давригача) кўпроқ салотин ва акобир ва мутааййин элга (машхур кишиларга) мадҳи ва марсияси бор...» (75).

«Бадоеъ ул-вақоеъ»да Восифий хикоя қилади: «Мавлоно Хасаншоҳ жуда огир моддий аҳволга тушиб қолган эди. У ўз ўғлига деди: «Бошингга кўк ўра, тўн қий ва амир Алишер олдига бор. Сени бу аҳволда кўрган амир: «Нима учун мотам либосидасан?» деб сўрайди, албатта. Сен: «Отам бечора дунёдан ўтдилар» дегин. Алишер албатта мени дафн этиш учун сенга бирор маблағ беради. Пулни олиб, бозорга бор ва овқот олиб кел»... Мавлононинг ўғли отаси айтган аҳволда Алишер олдида пайдо бўлди. Амир Алишер ундан: «Нима бўлди, мотам қийимидасан?» деб сўради. «Отам вафот эттилар, амонатни худога топширдилар», деди ўғил. Амир Алишер кўзига ёш олди ва: «Эй, афсус, мавлоно Хасаншоҳ давримизнинг нодир кишиларидан эди», деди ва ўғилга уч юз хоний пул инъом этди. Мавлононинг ўғли қувончидан ўзида йўқ бозорга чопди ва айтилган овқотни сотиб олиб, уйига келтирди. Эртаси куни Мавлоно Хасаншоҳ ўзи Навоий олдига кириб келди. Уни тирик кўрган Алишер қулиб юборди, ўзини қулгудан тутолмай деворга суяниб қолди ва деди: «Мулло, сиз ўлган эдингиз-ку? Нима бўлди?» Мавлоно Хасаншоҳ деди: «Эй, улуг амир, агар сиз кеча бизга пул инъом қилмаган бўлсангиз эди, мен бугун ўлган бўлур эдим». Хасаншоҳга Алишер яна яхши сарупо ва минг динор пул инъом қилди».

Иззат Султон

* * *

(«Навоийнинг калб дафтари» китобига ёзилган такризида проф. А.Хайитметов Навоийнинг мухаббати хакида куйидагича фикр айтган: «Кейинги текширишлар шуни кўрсатадики, у (яъни Навоий) кимлиги биз учун номаълум бўлиб келаётган бир кизни севган. Киз хам унга ёмон муносабатда бўлмаган, илтифотлар кўрсатган. Афсуски, киз эрта вафот этган. Кизиинг вафоти Навоийдан олисда рўй берган. Шу кўнгилсиз фожиадан кейингина Навоий ўзининг унга бўлган мухаббати чексиз ва бекиёс эканини билиб колган. Бу мухаббат ўти унинг калбида умрининг охиригача сўнмаган. Шу сабабли шоир ўзининг биринчи мухаббатига содик колган — уйланмай ўтган. Унинг:

Бор эди, ул хамки, бир чоғ бизга ёре бор эди,

Кулли ар ёр ўлмаса, филжумла боре ёр эди...

матлаи билан бошланган газали фикримизни маълум даражада тасдиқлай олади.

Газалнинг охиригида:

Гўйиё шукр этмадимким онсиз ўлмишмен бу дам,

Ул куёшимни ёшургон чархи кажрафтор эди...

деган байти хам бор. Навоийнинг, афтидан, ўша киз вафоти хакида хабар келиши

муносабати билан ёзилган куйидаги рубоийси хам... бу жихатдан жуда характерлидир:

Ёшунгон эмиш каро булугка мохим,

Гардунни совурмоклиг эрур дилхохим.

Кирмиш каро тупрокка куёшдек мохим,)

(«Шарк юлдузи», 1970,12-сон, 201-204 бетлар)